



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## САЙЛОВ — 2016

### Сарвар Отамуратовнинг Фаргона вилояти сайловчилари билан учрашуви

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 4 ноябр куни Фаргона вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Учрашув вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари сайловчилари билан видеоконференция орқали мулоқот тарзида ташкил этилди.

Учрашувни Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Фаргона вилояти кенгаши аъзоси М.Отажонов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили У.Жабборов йиғилганларни Сарвар Отамуратовнинг таржимаи холи билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов сайловчиларга сайловолди дастурда белгиланган вазифалар ҳақида маълумот берди.

Номзод таъкидлаганидек, дастур еттита устувор йўналишдан иборат. Унда асосан маънавий-маърифий соҳада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва бу борада амалга оширилган ишларни янада кенгайтириш, ҳалқимизнинг бетақдор тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва аъёнларини асраб-авайлаш, бойитиш, унинг ютуқларини аҳоли, айниқса, навқирон авлод орасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Биз доимо миллий ўзлиқни англаш, миллий гуруҳ ва кадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берганимиз ва бундан бўён ҳам ушбу масалалар диққат марказимизда бўлади, деди Президентликка номзод.

Дастурда тил миллатнинг энг олий қадриятлари, деб белгиланган. Қадимий ва бой тарихга эга Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги макосини мустаҳкамлаш ва унинг тўла амал қилишига эришиш, тил маданиятини янада юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, миллий ғоя, жаҳиятимизнинг маънавий-ахлоқий асослари устуворлигини таъминлаш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, ҳалқимизга хос бағрикенглик, тотувлик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш вазифаларига дастурда алоҳида жой ажратилган.

Учрашувда вилоят телерадиокомпанияси муҳаррири М.Шодиева, Фаргона шаҳридаги «Ойдин» кўчирчоқлари» оилавий корхонаси раҳбари О.Бурхонова, Республика ўрта тиббиёт ва дорихона ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази Фаргона ҳудудий бўлими директорининг ўринбосари Б.Муминов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловчилари билан мулоқот қилиш ва муқобиллик асосида, демократик тамойилларга мос ўтаётганини таъкидлаб, Президентликка номзоднинг сайловолди дастури ва унда белгиланган вазифалар хусусида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловолди фаол иштирок этишига чақирди.

ЎЗА

### Шавкат Мирзиёевнинг Навоий ва Бухоро вилоятлари сайловчилари билан учрашуви

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 4 ноябр куни Навоий вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Учрашувни «Навоий иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамияти бош директори Қ.Ғаниев очди.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Навоий вилояти ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятда янги ҳудудий маҳсулот қарийб 6 фоиз ўсди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг сафи кенгайиб, вилоят иқтисодиётидаги салмоғи тобора ортмоқда. Янги ўй-ҳайлар ва ижтимоий объектлар бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, макроеқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Унда ижро ҳокимияти фаолияти самарадорлигини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини кучайтириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва одил судловни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш, озуқабоп ва экспортбop экинларни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳаёт сифати ва фаровонлигини юксалтириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашув видеоқонференция шаклида ўтди. Навоий шаҳри ва вилоятнинг барча туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Меҳнат фахрийси Ҳ.Мамамов, «Навоий металлургия комбинати» давлат корхонаси «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Н.Лаққай, Навоий шаҳридаги «Экспресс-сервис» масъулияти чекланган жамияти директори Ш.Исмоилов, Учқудуқ қурилиш ва ўй-жой коммунал хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси С.Равшанова, Томди тумани ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Т.Медетов, Навбахор туманидаги «Сарбозор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Н.Қўлдошева ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимиз тараққиёти, ҳалқимиз фаровонлигига хизмат қилишини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик жараёнлари миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабр куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловолди фаол иштирок этишига чақирди.

Мехнат фахрийси Б.Жумаев, Пешку туманидаги «Малишоёқ» фермер хўжалиги раҳбари С.Жумаева, меҳнат фахрийси М.Рафиков, Олот туманидаги «Химмат» фермер хўжалиги раҳбари Қ.Худоев ва бошқалар тарихан қисқа даврда мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланаётган замонавий давлатга айлангани, одамларнинг ҳаёт даражаси, дунёқараши ва маданияти тобора юксалиб бораётганини фахр билан таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик кўриш жараёнлари миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабр куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловолди фаол иштирок этишига чақирди.

Учрашувни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси Ф.Аминов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, саноатга замонавий технологияларни жорий қилиш ва янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш ва экспорт ҳажминини кўпайтириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик соҳасини кенг ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини янги босқичга кўтариш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳаёт сифати ва даражасини изчил юксалтириш, барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Дастурда мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишида катта аҳамиятига эга бўлган туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича дастур қабул қилиш назарда тутилган. Соҳадаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, туристлар учун виза бериш ва рўйхатга олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш, янги сайёҳлик маршрутларини яратиш, туризм инфратузилмасининг изчил ривожланишини таъминлаш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш, туризми ривожлантириш бўйича махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш зарурлиги қайд этилган.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят саноат салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган умумий қиймати 142,5 миллиард сўмлик 470 лойиҳа амалга оширилди, 7 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Кишлоқларда намунавий лойиҳа бўйича қурилган 900 дан ортққ ўй-жой фойдаланишга топширилди.

Марказий Осиёдаги йirik ишлаб чиқариш мажмуаларидан бири бўлган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди. Мажмуа таркибига йилга 8,1 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш қувватига эга завод, шунингдек, 114 қазини қудуғи, 11 махсус майдон ва 4 йиғув пунктини ўз ичига олган табиий газни тўплаш тизими кирди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон газ конларини ўзлаштиришни янги босқичга кўтарди. Заводда 2 мингдан зиёд доимий иш ўрни яратилди.

Видеоконференция тарзида ўтказилган йиғилишда вилоятнинг барча шаҳар ва туман марказларидаги сайловчилар билан очик мулоқот бўлди.

Меҳнат фахрийси Б.Жумаев, Пешку туманидаги «Малишоёқ» фермер хўжалиги раҳбари С.Жумаева, меҳнат фахрийси М.Рафиков, Олот туманидаги «Химмат» фермер хўжалиги раҳбари Қ.Худоев ва бошқалар тарихан қисқа даврда мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланаётган замонавий давлатга айлангани, одамларнинг ҳаёт даражаси, дунёқараши ва маданияти тобора юксалиб бораётганини фахр билан таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик кўриш жараёнлари миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабр куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловолди фаол иштирок этишига чақирди.

Учрашувда Андижон тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори И.Йўлдошев, Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгаши фаоли З.Охунова, партия фахрийси Т.Рустамов, «Нуроний» жамғармаси Бўз тумани бўлими раиси И.Эгамбердиев ва бошқалар номзоднинг дастурида илгари сурилаган ташаббуслар ҳақида сўз юритди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловолди фаол иштирок этишига чақирди.

ЎЗА

### Ҳотамжон Кетмоновнинг Андижон вилояти сайловчилари билан учрашуви

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов 4 ноябр куни Андижон вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Онлайн видеоконференция шаклида ўтказилган учрашувни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты А.Қирғизбоев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили А.Нурматов йиғилганларни номзоднинг таржимаи холи билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов ўз нутқида сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида сўзлади.

Дастур партиянинг ғоя ва дастурий мақсадларига, хусусан, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг парламентдаги кўпчилик — Демократик қучлар блокига нисбатан ўзини муҳолифат, деб эълон қилгани, бу муҳолиф фракция сифатида илгари сурган қатор ғояларга асосланишини таъкидлади.

Дастурда аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлиқни таъминлаш тизимини замонавий усуллари жорий қилиш орқали доимий такомиллаштириб бориш каби устувор йўналишларга кенг ўрин берилган.

Номзод ўшбу мақсадда ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш давомида барқарор иш ўринлари яратиш кўрсаткичлари мазкур дастурларнинг муҳим мезонларидан бўлишини таъминлаш, ишчи кучи четга чиқиб кетишининг олдини олиш, бунинг учун ҳар йили қабул қилинадиган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш давлат дастури ижросида янгича ёндашувларга ўтиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тузишда жорий ва истикболдаги ривожланиш йўналишларини тўғри ва аниқ белгилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш, ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб этиш зарурлиги бўйича тақлифларни илгари сурди.

Дастурда кичик бизнес, ўй меҳнати, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш, меҳнат қонунчилигига аёлларга берилган ҳуқуқ ва кўшимча имтиёزلардан кенг фойдаланиши учун янада мақбул шароитлар яратиш лозимлиги қайд этилган.

Учрашувда Андижон тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори И.Йўлдошев, Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгаши фаоли З.Охунова, партия фахрийси Т.Рустамов, «Нуроний» жамғармаси Бўз тумани бўлими раиси И.Эгамбердиев ва бошқалар номзоднинг дастурида илгари сурилаган ташаббуслар ҳақида сўз юритди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловолди фаол иштирок этишига чақирди.

ЎЗА

### Наримон Умаровнинг Наманган вилояти сайловчилари билан учрашуви

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 4 ноябр куни Наманган вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Видеоконференция шаклида ўтказилган учрашувни Наманган давлат университети катта ўқитувчиси Ш.Баннаев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили О.Мақсудов йиғилганларни Наримон Умаровнинг таржимаи холи билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз нутқида сайловолди дастурида илгари сурилган асосий йўналишлар ҳақида маълумот берди.

Мустақиллик йилларида юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилояти саноат тармоқларига ҳам янги илғор технологиялар, ишлаб чиқаришга импорт ўрнини босувчи, рақобатбардор маҳсулотлар кириб келгани, маҳаллийлаштириш дастурининг амалиётга самарали татбиқ этилиши самарасида юқори босимли газ баллонлари, илгари ноёб қурилиш ашёси ҳисобланган шифер, мамлакатимизга импорт сифатида келтирилган спорт жиҳозлари, автомобил фаралари, дори воситалари сингари 100 дан ортққ маҳсулотлар вилоят корхоналарида ишлаб чиқарилаётгани таъкидланди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга ошириш, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, маҳсулотларнинг ҳажон бозоридида рақобатбардорлигини ошириш, экспорт ва импорт миқдори орасидаги мувозанатни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани қайд этилди.

Дастурда энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни жорий этиш, мавжуд муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш орқали рақобатбардор энергия бозори яратилишини рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва ходимлар ўртасида қонун бузилишига йўл қўймайлик, айниқса, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, улар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштириш, ходим меҳнатига ҳақ тўлаш, ижтимоий сугурта қилиш, пенсия таъминоти талабларига риоя қилмагани ва уларни бузганлиги учун иш бериувчилар жавобгарлигининг қулайтирилиши масалалари ҳам устувор вазифа этиб белгиланган.

Учрашувда Учқўрғон туманидаги 6-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатининг илмий бўлими мудири Н.Турсунов, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали директори А.Эрметов, Учқўрғон тумани «Саноат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Набиев, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати Ш.Давронов ва бошқалар Президентликка номзоднинг дастури ҳақида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловолди фаол иштирок этишига чақирди.

ЎЗА

### Ислоҳот

**Хоразм вилоятидаги «Хива Карпет» кўшма корхонаси негизида Ташкил Иқтисодий Фаолият Миллий банки молиявий кўмағида ташкил этилган «Хоразм гиламлари» масъулияти чекланган жамияти йилга бир миллион квадрат метр гилам тайёрлаш қувватига эга.**

Бу ерда гиламчилик бўйича жаҳоннинг етакчи давлатлари иш тажрибалари чуқур ўрганилган. Ташкил бозорда гилам маҳсулотларига бўлган талаб таҳлил этиб борилди. Бу юқори сифатли, беҳирим маҳсулотлар рақобатбардорлиги ва экспортбopлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Корхонада меҳнат қилаётган 200 ишчининг маълум қисми касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир.

**СУРАТДА:** «Хоразм гиламлари» масъулияти чекланган жамиятида.

## Хоразм гиламлари



Шоназар ҚОРИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

### Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида

## Ўзбекистон — Европа Иттифоқи: ҳамкорликнинг истиқболдаги босқичлари

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

«Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитаси 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шекарлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Келишувга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, парламентаризм соҳасидаги икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида фаолият олиб боради. Парламент ҳамкорлиги қўмитаси фаолияти орқали парламент депутатлари шерик мамлакатларда ўтказилаётган энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тадбирлар ҳақида хабардор қилинмоқда, турли халқаро ва бошқа тадбирларни ўтказишга ёрдам кўрсатилмоқда.

Қўмита мажлисида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни, хусусан, ижтимоий-иқтисодий, инвестиция, молия ва ҳуқуқ соҳаларидаги, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш босқичлари муносабатларини янада фаоллаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, тарафлар минтақавий ва халқаро ҳавфсизликка бўлган таҳдидларга қарши курашиш, минтақанинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш юзасидан амалий мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чора-тадбирларни муҳокама қилди.

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи ҳамкорлиги изчил ривожланаётганини мамнуният билан қайд этди. Ушбу ҳамкорлик томонларнинг жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги мулоқотини чуқурлаштиришдан ўзаро манфаатдорлигига асосланган.

Қўмита мажлисида сўзга чиққанлар Ўзбекистон Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгиланган демократик ислохотлар йўлига, ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқ қолаётганини муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Давлат бошқаруви тизимини етуклиги ва барқарорлигининг юқори даражаси, демократик жараёнлар ва институтларнинг ривожланганлиги халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузининг янада ошишига асос бўлмоқда.

Ў (3).

Раёсат йиғилиши

Муҳим масалалар муҳокамаси

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилишида асосий эътибор жорий йилнинг 9 ойи давомидаги фаолиятга қаратилди.

Қайд этилганидек, ўтган даврда касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этилиб, таклифлар берилди.

Хисобот даврида фуқароларнинг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ҳам изчиллик билан давом эттирилди. Меҳнаткашлардан тушган 169 та мурожаат қуриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Республика кенгашида фаолият юритаётган «Ишонч телефони»га мурожаат этган 56 дан зиёд тадбиркорлик субъектларига бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, Республика кенгаши томонидан Андижон, Жиззах вилоятларидаги касб-хунар коллежлари

ва олий ўқув юртлири битирувчилари учун ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларига доир масалалар, Халқаро меҳнат ташкилотининг 138-, 182-сонли Конвенциялари ҳамда корхоналарда ишга қабул қилинаётган ходимларнинг ҳуқуқлари бўйича ўқув-семинарлар ташкил қилинди.

Касаба уюшмалари аъзолик афзалликлари юзасидан тарғибот ишларини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда нодавлат сектор корхоналари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада, ҳисобот даврида 1745 та нодавлат сектор корхоналарида меҳнат қилаётган 30 минг нафардан зиёд ходим касаба уюшмалари сафига жалб этилди.

Ижтимоий шериклик асосида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш самарадорлигини янада ошириш, меҳнаткашлар учун му-

носиб меҳнат шароитини яратиш борасидаги ишлар тизимли равишда олиб борилди. Ўтган даврда жамоа шартномалари орқали олий ўқув юртлирида тахсил олаётган 32 нафар талаба шартнома пулларининг бир қисми қопланди, 138 та корхона, ташкилотда олий ва касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига соҳа сирларини ўргатаётган 235 нафар ходим рағбатлантирилди.

Хозирга қадар корхона ва ташкилотларда 1064 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакиллардан 612 нафари ўқитилган. Бирлашган кўмиталар ходимлари ҳамда Республика кенгаши мутахассислари томонидан 336 та корхона ва ташкилотнинг меҳнат муҳофазаси бўйича фаолияти ўрганилиб, аниқланган камчиликлар касаба уюшма кўмиталари аралашуви билан бартараф этилмоқда.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат ва Республика кенгаши дастурлари доирасида жамоа шартномалари орқали ёш оилаларга узоқ муддат

фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ҳамда уй-жой қуриш учун физик сўдалар ажратиш, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун ўқув анжомлари сотиб олиш, фарзандлари икки ёшдан уч ёшгача бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди.

Республикада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг моҳиятини, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини ходимлар, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтириш ва тарғиб этиш мақсадида корхона-ташкilotларда ҳар ойда «Маънавият соатлари» ўтказилапти. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан меҳнат жамоаларида «Ўзгал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» ширин остида мингдан зиёд тарғибот тадбирлари ўтказилди. Меҳнаткашлар ўртасида

спортни оммалаштириш, уларни спорт-соғломлаштириш тадбирларига кенг жалб этиш мақсадида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ўтказилган республика оилавий спорт мусобақаларида корхона ва ташкилотлардаги оилавий жамоалар, ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» веломарафонда тармоқ ходимлари фаол қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллашди.

Ўтган вақт мобайнида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 1500 нафардан зиёд тармоқ ходимлари соғломлаштирилиши эришилди. Жорий йил болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш мавсуми Республика кенгаши тасарруфидаги оромгоҳларда мавжуд корхона ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Йиғилиш иштирокчилари эришилган натижалар билан бирга, ҳисобот даврида касаба уюшмалари фаолиятида йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам батафсил тўхталиб ўтишди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Танлов



Муносиблар тақдирланди

Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг республика босқичи ўтказилди.

Танловнинг қўйи босқичларида соҳа тизимида меҳнат қилаётган 70 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотларидан 428 нафар номзоднинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосасига кўра, 44 нафар ходим голиб деб топилди. Уларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Ушбу ютуқ бизни янада илҳом қилишга, соҳа тараққиётига ҳиссамизни қўшиб, алоқа технологиялари ва коммуникация соҳасини янада ривожлантиришга ундайди, — деди моҳир касб эгаларидан бири Дилафруз Умурова.

Тадбир якунида танлов голибларининг Алоқа тарихи музейи ва пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига саёҳати уюштирилди.

Давронбек ОРИПОВ, «Ishonch» мухбири. Муаллиф олган сурат.

Тадбир

Жиззах вилоятида «Тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий ҳимоя ва имкониятларнинг янги босқичи — ҳаётимиз фаровонлиги кафолати» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Қулай муҳит — тадбиркор қаноти

Қулай инвестиция муҳити ҳорижлик сармоядорларни кенг жалб қилаётганини биргина «Жиззах» махсус индустриал зонаси мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Тадбиркорлик фаолияти учун белгиланган энгиллик ва имтиёзлар самараси ўлароқ ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юксак технологияли инновацион ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бугунга келиб махсус индустриал зонада 14 та саноат корхонаси фаолият кўрсатаётгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Муҳими, янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича белгиланган дастурлар муваффақиятли амалга ошириляпти.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳудудий адлия бошқармаси ҳамкорлигида «Жиззах» махсус индустриал зонасида ташкил этилган мазкур тадбирда тадбиркорлар, банк, солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари ўзлари учун зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Ўқув-семинар

Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги

«Навоиозот» АЖга қарашли «Ширин» маданият саройида «Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги» мавзусида ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида маданият саройи фойесида меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлигини таъминлашга оид кўргазма ташкил этилди.

Маълумки, меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг вазифаси тубдан ўзгармоқда. Бир пайтлар улар содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни расмийлаштиришда ёдга олинган бўлса, ҳозирда айни шу бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш, хавф-хатарсиз фаолият кафолатини таъмин-

ловчи шахсга айланапти.

Семинарда «Меҳнатни муҳофаза қилишда жамоатчилик назорати», янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти, «Вилоятдаги ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги», «Жамоатчилик назоратини намунали йўлга қўйган бошланғич ташкилот фаолияти», «Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Иштирокчилар эътиборига Федерация Кенгаши томонидан тайёрланган меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил фаолияти ҳақидаги видеороликлар намойиш этилди.

Семинар қатнашчилари, меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари иши намунали ташкил этилган корхона фаолияти билан яқиндан танишдилар.

М.КАМБАРОВА, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси



Банк кўмаги билан

Фаргона вилояти Кўкон шаҳридаги «Авилон Кўкон текстиль» хусусий корхонасида синтетик момиқдан ёстиқ ва кўрпа-тўшак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхона раҳбари Авазбек Абдурахимовнинг айтишича, жорий йилда «Агробанк» ажратган кредит эвазига замонавий тўқув, тикув ва матони бўйлаб ускуналари сотиб олинди, ишлаб чиқариш кўлами кенгайтирилди. Бу ерда меҳ-

нат қилаётган 20 га яқин ишчи-мутахассиснинг асосий қисми касб-хунар коллежини битирган ёшлардир.

СУРАТДА: технолог Музаффар Ёдгоров ва ишчи Дилзода Усмонова.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ МУҚИМЖОН ҚОДИРОВ олган сурат.

Давра суҳбати

Билимлар мустаҳкамланди

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши ҳамда ҳудудий Адлия, Меҳнат бошқармалари томонидан «Ёшларга яратилаётган имтиёзлар» мавзусида давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Яқинда Олмалик шаҳридаги 3-Академик лицейда корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ходимларнинг меҳнат қонунчилигига доир билимини ошириш мақсадида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда ўтган давр мобайнида Меҳнат кодексига киритилган ўзгаришлар тўғрисида мустақил сўз юритилди. Очiq мулоқот тарзида ўтган тадбирда йиғилганлар томонидан берилган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб қайтаришди.

Н.ТЕМИРОВ, бирлашма кенгаши юридик бўлими мудири

Мухаббат Тўрабоева, «Ishonch» мухбири

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови голиблари тақдирланди. Турли соҳаларда намунали фаолият кўрсатиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган, жонқурлиги ва фидокорона меҳнати билан юрт тараққиётига ҳисса қўшаётган ҳамюртларимизни рағбатлантиришга қаратилган мазкур танловнинг ташкилот ва муассасаларда меҳнат унвондорлигини ошириш, меҳнаткашларнинг ижодкорлик қобилиятини кашф этиш бобидаги аҳамияти ортиб бораётган. Иштирокчиларнинг профессионал даражасини ошириш билан бирга, «устоз-шогирд» тамойилини ривожлантириш, ёш мутахассисларни тарбиялашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Танловнинг қўйи босқичида вилоятдаги 1 минг 172 та корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 5 минг 318 нафар турли касб эгалари қатнашди. Улар орасидан фаолиятда маълум ютуқ ва натижаларга эришаётган 218 нафар иштирокчи вилоят босқичига тавсия этилди. «Ўз касбининг моҳир эгаси» номига сазовор бўлганлардан бири — Избоскан туманидаги «Гулзор пари» фермер хўжалиги раҳбари Ойишхон Мирзаевани вилоят аҳли ер билан тиллаша оладиган, билимдон деҳқон сифатида яхши билди. У бош бўлган кўп тармоқли хўжаликда 212 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга эътибор юқори. Шу боис ҳам иш сифати ва унуми йил сайин ортиб борапти.

Фермер олинаётган даромад ҳисобига яқинда маҳалла ҳудудида китоб дўкони ҳамда мини-футбол майдончасини барпо этди. Бу жihatлар ҳудудлар инфратузилмасида қишлоқ мулкдорлари ўзига хос ўрин тутаётганлигидан далolatдир. — Эътибор киши қўнглини кўтариб, эзгу мақсад сари дадил интилишга ундайди, — деди танлов голибларидан бири, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси юрак қон-томир хирургия бўлими мудири Аҳмаджон Қосимов. — Шу маънода касаба уюшмалари турли соҳа эгаларининг ўзаро тажриба алмашишига, ўз устида янада яхшироқ ишлашга имкон яратиб бераётгани юксак аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Тадбирда қўйи босқичларда сараланган 34 нафар голибга эҳтиром кўрсатилиб, совғалар топширилди.

Нурилло НҲЪМОНОВ, «Ishonch» мухбири

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Ўз касбининг моҳир эгаларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови кимё ва фармацевтика соҳаларида намунали фаолият кўрсатаётган, фидокорона меҳнати билан юрт раёнакига ҳисса қўшаётган, ўз соҳасида юқори натижаларга эришаётган юртдошларимизни рағбатлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Танловнинг қўйи босқичларида соҳада узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб, катта тажриба орттирган, қўллаб ютуқларга эришган 150 га яқин турли касб эгалари қатнашди. Якуний тармоқ босқичида «Аммофос-Максам» АЖ Аммофос-2 цехи грануляция аппарати Шерали Имомов, «Ўзкимёфарм» АЖ таблетка цехи грануляторчаси Ирина Бирулина, «Навоийазот» АЖ Каустик сода ва кам чиқарил кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш 705-марказлашган таъмирлаш цехи 6-тонали электрогаз пайвандловчиси Ботирбек Каримов ўз касбининг моҳир эгалари деб топилди ва ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Баҳром ҚУВВАТОВ, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси

Тил билган эл билади



Илғор тажрибалар — оммага

монавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари» мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши ҳамкорликда уюштирилган мазкур семинарда вилоятимизда чет тилларни ўқитишнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш ва уларни амалда жорий этиш, таълим жараёни ҳамда сифатини стандартлар асосида ташкил этиш, баҳолашнинг инновацион методларини ишлаб чиқиш сингари долзарб масалаларга ало-

ҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, чет тиллардан чуқур билим беришга қодир, замонавий фикрлайдиган педагог кадрларнинг ўқитишни такомиллаштиришдаги вазифалари ҳақида маърузалар тингланди. Семинар иштирокчилари мактабимиз чет тили ўқитувчиларининг намунали дарсларини кузатишди. Ўқувчиларимизнинг инглиз тилида равон сўзлашиш, шеър ва қўшиқлар айтиши барчани ҳаяжонга солди.

Нигора САФАРОВА, Бухоро шаҳридаги 5-умумтаълим мактабининг касаба уюшма кўмитаси раиси

## Ўзбекистон — Европа Иттифоқи: ҳамкорликнинг истиқболдаги босқичлари

№(1).

Мажлисида демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш юзасидан Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида батафсил ахборот тақдим этилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини бундан буён ҳам таъминлаш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш ва унинг дахлсизлигини кафолатлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза қилишни кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг демократик жараёнлари амалга ошириш ва жамиятни ривожлантириш борасидаги роли олиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бунга парламент фаолиятини тартибга солишчи механизмларни тақомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўмаклашмоқда. Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимият юқори органининг қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлаш борасидаги ролини оширишга, электротартиб ҳалқ сайлаган вакилларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи жорий йилда қабул қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти кайд этиб ўтилди.

Шу йил 4 декабр кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловни доирасидаги тадбирларни муҳофаза қилиш чоғида Ўзбекистонда очик ва адолатли демократик сайловни ўтказиш учун барча зарур шарт-шароит

яратилганлиги, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг боришини мониторинг қилишга халқро кузатувчилар кенг жалб қилинганлиги таъкидланди.

Европа парламенти аъзолари Ўзбекистонда жамият ҳаётининг турли жабҳаларида олиб борилаётган ислохотлар натижаларига юқори баҳо берди. Европарламент депутатлари ўз чиқишларида Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан, жумладан, терроризм, экстремизм ва гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш масалаларида Ўзбекистон позициясини қўллаб-қувватлашни алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи таркибига кирувчи мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини билдирди.

Умуман, «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги кўмитасининг мажлиси амалий ва ишчанлик муҳитида ўтди. Мажлис натижаларига кўра парламент ҳамкорлигини янада фаоллаштириш, 2014 — 2020 йилларда инициатива кўмаклашиш дастурини амалга ошириш, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, парламент аъзоларининг таъриба алмашинувига доир халқро конференциялар, тренинглар, семинарлар ва бошқа тадбирларни биргаликда ўтказиш юзасидан қарор қабул қилинди.

**Ивета ГРИГУЛЕ, Европарламентнинг Марказий Осиё минтақаси ва Монголия билан алоқалар бўйича делегацияси раиси (Латвия):**

— Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардик билдираимиз. Ислон Каримов ўзининг бутун қулайратини ва тавақкурини Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантиришга, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга бағишладим.

Европарламент ва Ўзбекистон ҳамкорлиги сўнгги йилларда янада ривож топмоқда. Европа Иттифоқи ва Европа парламенти Ўзбекистонга нисбатан муносабати доимо илиқ ҳамда дўстона бўлиб келган. Утган йиллар давомида барча соҳалар бўйича, жумладан, таълим, ижтимоий соҳа, минтақавий тараққиёт, қишлоқ ҳўжалигида қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Булар бизнинг яқин келажакдаги шериклигимизнинг ҳам устувор йўналишлари бўлиб қолади. Европа Иттифоқи бундан кейин ҳам мамлакатининг қўллаб-қувватлаётганлигини билдирди.

Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар ва Ўзбекистон ўзаро ҳамкорлик доирасида бизни бирлаштирадиган ижобий таърибага эътиборни кучайтирмакда. Чўнки ҳамкорлигимиз умумий қадриятларимиз ва максималаримизга асосланган. Максималаримиз Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи халқларининг фаровон турмуш кечирishiга қаратилган.

**Херберт ДОРФМАН, делегация аъзоси (Италия):**  
— Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш Европа Иттифоқи учун устувор йўналиш ҳисобланади. Бу 2014 — 2020 йилларда минтақани ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича индикатив дастуримизда ҳам ўз ифодасини топ-

ган. Унда, хусусан, Марказий Осиё мамлакатлари билан молия соҳасидаги ҳамкорлик ҳажмини бир миллиард еврога ошириш назарда тутилган. Биз мажлис чоғида Ўзбекистон енгил саноатини ривожлантириш истиқболларини ҳам муҳофаза қилдик. Мамлакатингизда нафақат юқори сифатли пахта етиштирилади, балки уни қайта ишлашни амалга ошириш имконини берувчи замонавий тўқимачилик саноати ҳам мавжудлиги эътиборга молик. Шунингдек, Ўзбекистон кўна ва бой тарихга эга гўзал мамлакатдир. Буюк ипак йўли Ўзбекистонни Европа минтақаси билан боғлайди. Шу маънода сайёҳлик салҳоятини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантиришимиз зарур.

**Брандо БОНИФЕИ, делегация аъзоси (Италия):**  
— Бугунги йилнинг долзарб масалаларини муҳофаза қилиш, таъриба алмаштириш учун қўлай имконият бўлди. Бизнес тузилмалар билан янги алоқалар ўрнатиш, иқтисодий соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ҳамкорлигининг устувор йўналишлари бўлиши керак.

**Марк ТАРАБЕЛЛА, делегация аъзоси (Бельгия):**  
— Ўзбекистон илчил иқтисодий ишловларни амалга оширмакда ва халқро кооперация учун ўз бозорини очмоқда. Бу кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Бу ерда ишбилармонларнинг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база барпо этилган. Бундан ташқари, мамлакатингизда ҳўм сураётган барқарор вазият ҳам ҳўрж инвестицияларини жалб этишда муҳим аҳамиятга эга. Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистон парламентида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қўний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Мазкур институт қўнийлик даражасида ва халқро амалиётга тўлиқ мувофиқ ҳолда барпо этилади.

ЎзА

## САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

# Аёлларга имтиёз

**САВОЛ:** *Ходимимиз туғиш ва бола парвариши учун бериладиган барча имтиёزلардан фойдаланди. Бироқ таътил вақти тугамасдан яна фарзанд кўрди. Унга қандай имтиёзлар берилади?*

**Аминжон РАШИДОВ, Гиждувон тумани**

**ЖАВОБ:** Ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парваришlash бўйича таътиллари бериш ҳамда тегишли нафақалар тўлаш билан боғлиқ меҳнат кафолатлари, болалари сонидан қатъи назар, барча аёлларга таътил этилади. Меҳнат кодексига аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўйидаги қўшимча кафолатлар мавжуд:

- ҳомиладор аёлларни енгилроқ ёки ноқўлай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш (226-модда);
- икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни енгилроқ ёки ноқўлай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш (227-модда);
- тўнги, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларидаги ишларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш ва уларни хизмат сафарига юборишни чеклаш (228-модда);
- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёлларнинг иш вақтининг қисқартирилган муддатига бўлган ҳуқуқи (228<sup>1</sup>-модда);
- аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш (229-модда);
- қўшимча дам олиш кuni (230-модда);
- аёлларга йиллик таътиллари бериш наватини белгилашдаги имтиёзлар (231-модда);
- ўн икки ёшга тўлмаган фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун қўшимча таътиллари (232-модда);
- ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари (233-модда);
- бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришlash учун бериладиган таътиллари (234-модда);
- болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар (236-модда);
- ҳомиладор ва боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдаги кафолатлар (237-модда).

Шунингдек, аёлларга туққунга қадар 70 календар кун ва туққанидан кейин 56 календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда 70 календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади (МКнинг 233-моддаси).

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили туаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади (МКнинг 234-моддаси).

Бироқ ўз хоҳишига кўра, болани парваришlash таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимда ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлаши мумкин (МК 234-моддасининг тўртинчи қисми). Бунда унинг нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Шу билан бирга, тўлиқсиз иш вақти шартини билан ишлаш ҳодимининг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддати, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайдиган ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади (МК 119-моддасининг учинчи қисми).

**Гулноза ХУДОЙБЕРДИЕВА, Шайхонтоҳур туманидаги 3-ДНИ нотариуси**

## Навоий томонларда Нурли замин

Маънавият-тарғибот маркази Нурота туман бўлими ҳомийлигида «Ўзбекистон» нашриёти томонидан «Нурота — нурли дийр» номли китоб чоп этилди. 1000 нусxada наشر этилган китобда туман тарихи, худудда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар ҳақида сўз боради.

## Депутат билан учрашув

Навоий шаҳридаги 16-умумтаълим мактабида «Баҳор», «Мурувват», «Умид» маҳаллалари аҳолиси билан Навоий шаҳар ва вилоят халқ депутатлари кенгаши депутатларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда маҳаллаларда йиғилиб қолган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасидаги вазифалар муҳофаза қилинди.

## Семинар

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси йиғма электрон каталог маркази мутахассислари томонидан Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида «Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасаруфидида Намунавий худудий ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини жойларда ўрганиш натижалари» мавзусида семинар ўтказилди.

## Зулфияxonим издошлари

Зулфия номидаги давлат муқофоти учун ўтказилган республика кўриктанловининг Навоий шаҳар босқичи якунланди. Танловда 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган ўқувчи ва талаба қизлар иштирок этди. Улар гуруҳларга бўлиниб, адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишларида иқтидорларини намойиш этишди. Барча шартларни юқори даражада бажариб, голибликни қўлга киритган бир гуруҳ қизларга танловнинг вилоят босқичига йўланма берилди.

**Дилафрўз УРОЗОВА, «Ishonch» муҳбири**

## Огоҳлик!

**Оммабоп ва тезкор ахборот тарқатиш воситасига айланган замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг аксарияти ёшлардир. Шундай экан, глобаллашув жараёни чуқурлашган, инсон онгини турли қўллар томонидан эгаллашга интилиш кучаяётган бугунги кунда уларни ижтимоий тармоқлардаги салбий ахборотлар таъсиридан асраш нечоғли муҳим вазифа эканини тасаввир қилиш қийин эмас.**

# Ахборот хуружи ва ёшлар маънавияти

Маълумки, ахборот хуружи дастурларини ишлаб чиқувчи мутахассислар, энг аввало, кимга қандай таъсир этиш мумкинлигини ҳисобга олишади. У бевосита мулоқот жараёнидаги яқка шахс, бирор худуд билан чегараланган социал гуруҳ (мисол учун, ташкилот ходимлари) ёки социум, яъни йирик социал гуруҳ, жамоалар, жамият бўлиши мумкин. Шу билан биргаликда ахборот хуружлари шахс, гуруҳ, жамият психикасининг аниқ бир соҳасига йўналтирилган бўлади. Булар эҳтиёж-мотивация соҳаси (билим, қадриятли ориентациялар, истак, майлар), интеллектуал-ўрганиш соҳаси (сезги, тасаввур, хотира, тавақкур), эмоционал-ирода соҳаси (эмоциялар,

туйғулар, кайфият, иродага боғлиқ жараёнлар) ва мулоқот-хулқ-автор соҳаси (характер, муноқот қилишнинг ўзига хос жиҳатлари, ўзаро ёки шахслараро муносабатлар) ҳисобланади. Бугунги ахборотлашув жараёнининг жадаллиги пухта ишланган технологиялар орқали ахборот хуружларининг амалга ошишини таъминламоқда. Ахборот хуружи технологиялари дейилганда, маълум мақсадга етишиш йўлида бирлаштирилган ахборот таъсири ва ахборотни узатишнинг энг маъқул усул ҳамда воситалари кетма-кетлиги тушунилади. Бундай технологиялар давлатлараро, давлат ичидagi турли сиёсий жараёнлар ва кам ҳолларда шахслараро муносабатларда намоён

бўлади. Одатда ахборот хуружи технологиялари комплексларда ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий мақсади бўйсундирилиши керак бўлган объектга маълум кўриниш ва усулда ахборот орқали таъсир кўрсатишнинг иборат. Бунда шахс, гуруҳ, жамият онгидagi мафкура, психологик ва эмоционал ҳолат ўзгариши орқали уларнинг хулқ-автори маълум йўсинга йўналтирилади. Мазкур турдаги технологиялар яширин мажбурулов усули саналади. Улар турли тарғибот ва ташвиқотлар, реклама ёки ўзига хос тусдаги ахборотлар шаклида намоён бўлиши мумкин. Бунда ахборот хуружи уч босқичда объектга таъсир кўрсатади. Биринчи босқичда субъект таъсирини амал-

га оширади. Иккинчи босқичда таъсирланиш объекти унга узатилган ахборотни тасдиқлайди (мазкур фикрга қўшилилади) ёки уни рад этади. Якуний босқичда таъсирланган объект ўзининг жавоб реакциясини намоён этади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ахборот хуружлари ҳар бир жамият учун потенциал ҳолда янада ҳамда хавф туғдиради. Шу боис ҳам юртдошларимизни, айниқса, ёшларни бу хатардан асраш ва улар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Шахноза ЮНУСОВА, П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи ўқитувчиси**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «Фарғона ёғ-мой» АЖнинг 26.10.2016 йилдаги бюуртма хатига асосан, «Фарғона ёғ-мой» АЖ баландсидagi, Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Ахшак ҚФЙ, Канжирга маҳалласида жойлашган «Омухта ем, шрот ва шелуха сотиш шахобчаси» бино-иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 24 678 814 сўм.

**Аукцион савдоси 2016 йил 7 декабр кuni соат 15:00дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан бюуртмалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). бюуртмаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 5 декабр кuni соат 18:00.

Аукцион савдосига қўйилган бино-иншоотлар билан «Фарғона ёғ-мой» АЖ вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун бюуртма билан биргаликда қўйидагилар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги Гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил катнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ва-

колатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдирिशномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 0-595-402-54-75 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. Савдо голибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Бино-иншоотларни сотиш шартининг тўлов мuddатлари ва бошқа шартлар сотувчи ҳамда харидор ўртасида олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган микдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг «Траст банк» ХАБ Фарғона филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Х/р:2020 8000 3004 3360 1012. МФО: 01123, СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун бюуртмалар қабул қилинадиган манзил: Фарғона ш. Марифат кўчаси, 21/1-уй. (Мулкжа: Фарғона вилоят Статистикаси рўпарасида), электрон почта: www.emulk.uz, best.fergana@inbox.uz. Лицензия: №RR-0225.

**Хизматлар лицензияланган.**

**2016 йил 5 декабр кuni соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносида очик аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги тракторлар қўйилади:**

1. Жарқўрган туманидаги «Эски қўрган» ф/х тугатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 1981 йилда ишлаб чиқарилган ЕШ 1022 давлат рақамли «2 ПТС-4-793А» русумли техник таъмир-талаб ҳолатдаги тиркаманинг бошланғич баҳоси — **995 000 сўм.**
2. Жарқўрган туманидаги «Эски қўрган» ф/х тугатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 1980 йилда ишлаб чиқарилган ЕШ 1023 давлат рақамли «2ПТС-4-793А» русумли техник таъмир-талаб ҳолатдаги тиркаманинг бошланғич баҳоси — **995 000 сўм.**
3. Жарқўрган туманидаги «Эски қўрган» ф/х тугатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 1980 йилда ишлаб чиқарилган ЕШ 1019 давлат рақамли «2ПТС-4-887 Б» русумли техник таъмир-талаб ҳолатдаги тиркаманинг бошланғич баҳоси — **1 020 000 сўм.**
4. Жарқўрган туманидаги «Эски қўрган» ф/х тугатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 1994 йилда ишлаб чиқарилган ЕШ 1018 давлат рақамли «МТЗ-82» русумли техник таъмир-талаб

ҳолатдаги тракторнинг бошланғич баҳоси — **5 100 000 сўм.**

5. Жарқўрган туманидаги «Эски қўрган» ф/х тугатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 1988 йилда ишлаб чиқарилган ЕШ 1021 давлат рақамли «2 ПТС-4-793А» русумли техник таъмир-талаб ҳолатдаги тиркаманинг бошланғич баҳоси — **995000 сўм.**

Тиркама ва Тракторлар билан «Эски қўрган» ф/х тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокидабевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Юқоридagi мулк **2016 йил 5 декабрдаги** аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2016 йил 20, 23, 26 декабр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун

харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларини қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган микдорда закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъулияти чекланган жамиятининг «НАМКОРБАНК» АТБ Термиз филиали МФО: 01001, ИНН: 303477661, Х/Р 20208000100512709001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйидаги ҳужжатларни икки нусxada топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 1-хона. Телефон: (0-376) 223-25-55.

**Хизматлар лицензияланган.**

## БИЛДИРИШ

«КО'СНМАС MULK MENEJMENT KONSALTING» МЧЖ Бухоро вилоят филиали томонидан «Ishonch» газетасининг 11 август 2016 йилдаги 94(3755)-сонида чоп этилган эълонда кўрсатилган такрорий аукцион савдолари 2016 йил 18 ноябр, 2016 йил 20 декабр кунлари «Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10 уй»да бўлиб ўтилишини билдираимиз.

Ўзбекистон нефт-газ ва геология ҳодимлари касабга уюшмаси Республика Кенгаши жамоаси бош ҳисобчи Зарафат Ибрагимовога онаси **ФЛОРА** аянинг вафоти муносабати билан таъзия ихор этади.

# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

## Болалар спорти



## Ёш чемпион

Наманганлик Шохназар Назаралиев жорий йилнинг 22-25 сентябр кунлари Молдовада ўтказилган кўл жанги бўйича жаҳон чемпионатида ўз вази тоифасида олтин медални кўлга киритди.

Ёш спортчи шаҳардаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан 2007 йилдан буён маҳоратини оширмоқда. Спортга меҳр отаси — олий тоифали мураббий Тоҳиржон Сатимовдан ўтган. Етти карра Ўзбекистон чемпиони Шохназар келгусида бундан юксак марраларни эгаллаб, Ватанимиз шаънини улуглашни мақсад қилган.

**СУРАТДА:** (чапдан) Шохназар Назаралиев отаси Тоҳиржон Сатимов ва укаси Шохжаҳон Назаралиев билан.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ ХОТАМ МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

## Қадрият



# Баковуц

1. — Халойик, эшитмадим деманглар, тагин дог-да қолманглари! Фалончибой навбатдаги совринга беш яшар ҳўқиз, юз минг сўм пул, бир кўчор тикди. Кимда-ким улоқни якка айирса зотини берман. Айтиб кўяй, ҳеч ким зотни деб чавандоз номинга иснод келтирмасин. Зот бир келади, бир кетади. Мол-дунё топилади, обрў топилмади. Бор, такани ташладим, ҳалоллаб оласан!..

— Кўпқари давраси гирромни кўтармайди, тагин улоққа чилвир-пилвир солиб юрма, юзингни қора қилиб майдондан ҳайдайман. Ҳалол таллашнинг зотига зот кўшаман!..

Англадингиз, юқорида келтирилганларимиз кўпқарида баковулнинг айтганларидан бир шингил. Таъбир жоиз бўлса, кўпқари — юрагида ўти борлар ўйини. Шунинг учун бундай даврани бошқариш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди.

Ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ дейиш, ҳаром-ҳалолни ажрим қилиш катта жасорат. Баковул унинг қонун-қоидаларини чавандоздан-да мукамал билиши, виждони тоза бўлиши, сурдакнинг энг оғир онларида ҳам воқеа жойида қатнашиши талаб этилади.

Бир тўйда қизилмозорлик эл оксоқоли Амиркул Сейли синаб кўриш учун шоғирди Холмат Хусанни ёнига қақириб, кулоғига пичирлабди:

— Холматбой, жуда нозик меҳмонимиз бор, шу кишига ҳурмати учун битта чипта (ғолиб чавандозга зотини қушонадан олиш учун баковул берадиган хат) бермасанг бўлмайди.

Даврани бир маромда тартиб билан бошқараётган Холмат Хусан отидан сакраб тушиб, устози юзига маъноли син солибди-да, шундай жавоб қайтарди:

— Устоз, юрагингнинг бир парчасини узиб бер, десангиз берайин, аммо мендан ор-номус талашаётган минглаб чавандозлар олдида чипта сўраманг. Агар ноҳилилик қилсам, кейин уларнинг кўзига қандай қарайман. Майли, даврани гапингизга юрадиган киши бошқарсин.

— Раҳмат, ука, бошқача жавоб берганингда сендан кўнглим қолган бўларди, ҳеч қандай чиптанг керакмас, даврани бошқаравер.

Холмат Хусан аҳойиб шоғирдлар ётиштирди. Шулардан бири Мусулмон Парда эди.

### 2.

Мусулмон Парданинг бир шиори бўларкан: — Ҳалол десам ҳалол бўлади, ҳаром десам мен билан бахсалмас ўтирма, барибир ҳаром деган. Ундан кўра ўзинг зотни ҳалоллаб айиршига бел боғла.

«Жангалча» майдонида бўлаётган кўпқарида Шоди қозоқ «Борғиси бир туя» деб эълон қилинган бош совринни Мусулмон Парданинг тўриқ отида якка айирди. Халойик:

— Ҳалол, ҳалол, — деб ҳайқиршига тушибди.

Мусулмон Парда бир зум шинвандаларнинг жунбуши босилишини кутиб турибди-да, сўнгра: — Кўпқари баковули — Мусулмон Парда сўзим, гапидан қайтган номард, чавандоз, сиз солимини ҳалол айирмадингиз, — дебди.

— Бундан ортиқ қандай ҳалол қилиб айирди? — норози бўлибди томошабинлар.

— Ҳалол-ҳаромни мен ажрим қиламан, сиз томоша қилганингизни билинг. Совринни қайта ташлайман.

Бу гал ҳам сурдакдан Шоди қозоқ якка чиқиб келибди. Лекин Мусулмон Парда шаштидан қайтмабди:

— Бунисиям бўлмади, чавандоз. Шоди қозоқнинг қовоқ-тумшуги осилибди: — Бўлмаса, зотни билганингизга беринг.

— Сиз тумшук қилманг, Шодибой, эл сўйган чавандозсиз, учинчи марта ҳам такани олиб чиқсангиз, ҳалолнингиз бўлсин.

Қасда-қасдига тушган Шоди қозоқ такани тақимиға босиб, баковул «ҳалол» деб эълон қилмагунча от суриб кетаверибди. Даврада Мусулмон Парданинг:

— Ана энди бўлди, чавандоз, сизники она сутидек ҳалол, — деган ҳайқирғи эшитилган заҳоти гуррос қарсақ чалинибди.

— Агар совринни биринчи айирганидаёқ Шоди қозоққа бериб юборганимда ҳамма Мусулмон Парда ўз отига ён босди деган бўларди, — ўзини оқлабди баковул.

Бундай қаттиққўллики кўрган чавандоз зоти борки такани ҳалол айиршига уринар экан.

### 3.

— Кўпқари баковуллири ҳаётдан бирон қизик воқеа айтиб беришимни сўраясизларми? — деди қизилмозорлик Маҳмадали бухгалтер қалин дафтарлардан бирини варақларкан. — Қизигиям гапми, буниси жуда гаройиб бўлган.

— Бўлмаса, эшитайлик.

— Фақат гапимни бўлмасдан тинглайсизлар. Биз бошимизни ирқадик.

Маҳмадали бухгалтер ҳикоясини бошлади: — Қамашининг Пасттол қишлоғида чопилган кўпқарида Беғал баковул навбатдаги зотни эълон қилди:

— Фалон сўм пули, уч яшар танаси, кўш кўчқори бор.

Ўзиям улоқ ўрдани 70-80 килолик тана ташланган эди. Ердан уни зармастлик Нашир полвон билан Ўзимизнинг Чоршанби чавандоз бир вақтда узди.

Икки элнинг сара икки чавандози, сара икки оти рўбарў келди. Зўрдан зўр чиқса, ишлов бериб пишилган танаси ҳам дош беролмас экан. Кутилмаганда иккиси тақимлаб бораётган солим тенг иккига бўлиниб кетди. Икки орқа оёқ Чоршанбида, икки олд сон Наширда кетди.

Баковул икки томонга ажралиб кетган чавандозларнинг қай бири ғолиб чиқганини англамай қолган бўлса-да бор овози билан:

— Ҳалол, — деб бақирди.

Оломон ҳайрон. Баковул ажрим қилолмай сарсон.

— Ким ғолиб? — ҳаммини шу савол қийнарди. Беғал баковул:

— Халойик, даврада ўз сўзимни айтаман, совринни ажрим қилиши чавандозларнинг ўзига қолдирсақ, ҳар иккаласиники ҳам ҳалол, — деди. Йигилганлар бу гапни гуррос қарсақлар билан олқишлади.

Чавандоз халқи танти келади. Ўртага учинчи киши тушмаса, ҳар қандай ҳолатда ҳам тил топишади. Танани Нашир полвон, икки кўчқорни Чоршанби чавандоз, совринга қўйилган пулни бўлиб оладиган бўлишиди.

### 4.

Ҳалол ва қатъиятли баковул кўпқарининг кўрки саналаркан. Ноҳилистик қилган баковул тезда элнинг назаридан қолиб, бундайларга даврани бошқариш ишониб топширилмас экан. Бир улоқда баковул такани жиянига ўнглашиб ташлади. Жиян ҳам тирик жонда, чайналган лўқмани бир амаллаб ютди. Аммо гирром баковул солимига ташланган зотни ошириб айтгани чавандозларнинг энасини қотирди:

— Гирромлик ҳам эви биланда, огайни, — баковулга дадил қарши чиқди чавандозлардан бири. — Такани-қу кулайтибди устига ташладингиз, ҳурматингизга бориб кўл солмадик. Лекин катта зотнинг боқини оғритманг, биз ҳам кулоғимиз билан ном вайимиз.

Оломон жунбушга келди:

— Чавандоз тўғри гапираяпти.

— Баковул гирромлик қилса, бошқадан нима кутасан.

— Арзанда жияни қўлидан келса улоққа кирсин-да.

Сири очилган баковул мулзам бўлди. Энг ёмони, бинийоғина давом этаётган кўпқари даврасидан байз кетди...

### 5.

— Ошна, менинг тўйимда баковуллик қилганингизга эслайсизми, — сўради пасттоллик Холлиёр Хомид қиёматли дўсти Бозор Кўчқордан.

— Қай бирини айтаяписиз, ахир сиз неча бор кўпқарил тўй берган бўлсангиз, ўзим баковуллик қилганман.

— Така ўрнига тўртта тана ташлатган даврам-чи?

— Ҳа, уми, ўзиям бу атрофдан келмаган от, даврага кирмаган чавандоз қолмаганди.

— Ўзимам бир кўпқари бўлсин деганди-да.

— Ҳадеб мактанаверма, жўра, умринг бўйи кўпқарининг ноини еган бўлсангиз. Сен кўпқари бермасдан мен беришим керак эдимми?

— Кўй, сен ҳам нарса ни ҳазилга бурма, чавандозман дегани тананинг оғирлигидан зор қақшаганидан гапир...

Бозор Кўчқор ширин хотиралар оғушида жилмайди. Икки куллик кўпқарининг биринчи кани жала куйган, майдон шилта лойға тўлган, танани ердан узолмаган чавандозларнинг жанжал чиқаришига бир баҳа қолганди:

— Баковул, тўй эгасига айтинг, бу таналарни йиғиштириб, така ташлатсин. Ёки одамларга ҳақ бериш нияти йўқми?

Чавандозлар орасидан кимнингдир тўнғиллаб айтган гапи Бозор Кўчқорнинг суяк-суягидан ўтиб кетганди. Ахир бу оламда Холлиёр дўстидек кўпқарининг жинниси борми, кечагина тухумдан чиққан бўз бола уни зинақилида айлаб турса.

Бозор баковул миниб юрган тойкаш отидан тушиб, чавандоз отига минибди:

— Қани, тана сизлар айтганча айириб бўлмайдиغان эканми.

Жаҳл билан отига қамчи тортган Бозор Кўчқорнинг ўрнига баковулликни томошабинлар бажарибди.

Холлиёр Хомид учта кўй, бир ҳўқизни ҳалол айирган дўстини тўхтайтиб қолмаганида у шу кун чавандозман деганига бирон зотни бермайдиган чўти бор эди:

— Ҳўш, энди айтингларчи, танани айириб бўлмас эканми? — халойикқа юз бурибди Бозор Кўчқор. — Бундан кейин солимини шундай якка олиб чиққанга зотини бердираман.

Бозор Кўчқор баковуллик қилиш билан бирга чавандозларга шу тарзда мардлик сабогини берган эди.

Абдунаби АБДИЕВ, Миришкор тумани

## Фойдали маслаҳатлар

**Лавлагини металл идишда пишириш ёки димлаш ярамайди, таъми бузилади.**

Салатга қўшилаётган петрушка иссиқ сувда ювилса, худубўй бўлади.

Салатга солинадиган ловияга озгина шакар қўшиб қайнатсангиз, тезроқ пишади.

Картошка арчишдан аввал кўлни уксус билан намлаб, қуриб, қўл қораймайди.

Тунука қадоқда сотилаётган ҳар қандай маҳсулот очилгандан кейин бошқа идишда сақланиши лозим. Чунки очилган идиш қирраларида бактерияларнинг кўпайиши учун жуда қулай муҳит мавжуд.


Унга мита тушмаслиги учун ун солинган идишнинг ичига бир неча лавр япроғи ташлаб қўйинг.

Сабзавотларни узоқ муддат барра сақламоқчи бўлсангиз, аввал муздай сувда чайиб, сувни яхшилаб силқитиб, елимхалтага солиб совитишда сақланг. Вақти-вақти билан елимхалтадаги ҳавони чиқариб туришни унутманг.

Совитишда пишлоқ қотиб қолмаслиги учун, уни нам матога ўраб қўйинг. Мато қуриса, ҳўллаб қўйинг.

## Менинг юртим

# Ривоятга туташ номлар



Курсдошларим билан туғилиб ўсган жойимиз, шеваларимиз ҳақида сўзлашиб қолдик. Ҳамма киндик қони тўқилган макони тўғрисида билганича гапирди. Мен ҳам четда қолмадим. Жиззахда шевалар хилма-хиллиги, ажиб номдаги қишлоқлар борлигини айтдим. Ўз қишлоғимни мисол келтирдим. Бувим бу ҳақда айтиб берган. Қишлоғимизнинг «Лойка» деб аталишга бир вақтлар жуда катта сел келиб, лойқа сув босгани сабаб бўлган экан.

Вилоятимизда Оғажон, Уч қиз, Молтоп, Равот каби қўллаб гаройиб номдаги қишлоқлар ҳам бор. Уларнинг келиб чиқиши хусусида ривоятлар юради. Эртакдаям ҳақиқат кўп дегандай, ҳаммаси ўта ишонарли ва қизиқарли.

Бошқа вилоятларда бўлганимда баъзи жой номлари эътиборимни тортди. Мисол учун, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида «Лаганди» деган қишлоқ бор. Ўша ерлик Махфурат момонинг айтишича, Ҳазрати Хизр қишлоқдан ўтаётган, дам олгани тўхтади. Шундан маҳаллий аҳоли Хизр олдиға лаган-лаган егулик келтириб беради. Хизр эса: «Жуда меҳмондўст халқ экансиз, жойингизнинг номи ҳам Лаганди

ҳадиксираб ўтаркан. Шундан бу жой «Ҳадик» дея атала бошланган. Кейинчалик шаҳар маъносини берувчи «кент» сўзи қўшилиб, «Ҳадикент» деган ном пайдо бўлган».

Фарғона вилоятида Қирққиз, Яланғоч, Чўнкайма, Хитой каби қишлоқлар кулоғимга чалинди. Айниқса, Қирққизнинг тарихи менда қизиқчи уйғотди. Айтишларича, бир подшоҳнинг гўзаллиқда тенги йўқ қизи бор экан. Малика қирқ қанизага билан сайрга чиқибди. Шох қизига ошиқ бўлган дев эса маликани ўғирлаб кетибди. Шохга қандай жавоб беришни билмай қолган қирқ қанизақ эса маликасини излаб олис-олисларга кетиб қолишибди. Хуллас, йўқолган қирқ қиз шу қишлоқнинг номига айланган. Водий томонлардан қайтаётган, Тентактўп, Танга тоғи, Эртош каби қишлоқларга дуч келдик. Қишлоқлар номи билан қизикар эканман, хаёлим Лойқа қишлоғимга кетди. Ўз қишлоқлари номини фахр билан айтаятган юртдошларимни кўриб: «Мен ҳам сени яхши кўраман, жонажон қишлоғим», дегим келди.

Кумуш ЎСАРОВА, ЎЗДЖТУ талабаси

## Муштарий минбари

# Ўзимизнинг дафтарлар

— Эсимда борида атай, қизим, уканга ҳалиги «бозори чакчон» дафтарлардан ҳам ол, — дея телефонда тайинларди автобусда кетаятган аёл.

— Кенжам бу йил иккинчи синфга борди, — телефонни қулоғидан олди-олмас шериқча тушунтира кетди. — Мақтабнинг ҳам кам-кўсти кўнда...

Уша кун мактаб бозориға тушдим. Нархлари жуда арзон, тўлов турлари ихтиёрий бўлган бу мўъжазгина бозор гавжум эди. Янги ўқув йили бошланган бўлсада, ўқув қуролларига эҳтиёж сезилаверади.

Харидини алқаб-алқаб олаётган аёлга яқинлашдим.

— Бундай дафтарларни ўйлаб чиқарганинг отасига минг раҳмат, — дея миннатдор бўларди у.

Буюк боболаримиз сурати туширилган дафтарлар менинг кўзимга ҳам оловдай кўринди. Автобусдаги аёл айтган «бозори чакчон» дафтарлар шу бўлса керак, дея ўйладим. Дафтарлар юзини Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Усмон Носир, Абдулла Қаҳор, Фафур Фулом, Зулфия, Ҳамид Олимжон каби улугларимиз сурати безаган бўлса, орқа муқовасидан улар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Яқингача дафтарлар муқовасини турли хориж сериалларининг бемаъни лавхалари-ю қоматини кўз-кўз қилган актриса ҳамда актёрларнинг тасвири эгаллаган эди. Бунинг тижорат мақсадида амалга оширилганини яхши биламиз. «Менинг Жуңксан-ким қани?», «Шохруҳ Хонимни олиб беринг», «Математикадан «Титаник»ни тутаман» каби хархашаларга қулоғимиз ўрганиб қолганди. Ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатишини

ти безаган бўлса, орқа муқовасидан улар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Яқингача дафтарлар муқовасини турли хориж сериалларининг бемаъни лавхалари-ю қоматини кўз-кўз қилган актриса ҳамда актёрларнинг тасвири эгаллаган эди. Бунинг тижорат мақсадида амалга оширилганини яхши биламиз. «Менинг Жуңксан-ким қани?», «Шохруҳ Хонимни олиб беринг», «Математикадан «Титаник»ни тутаман» каби хархашаларга қулоғимиз ўрганиб қолганди. Ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатишини



хисобга олмай қилинган тижоратнинг умри кўпга бормайди. Бугунги дафтарлар омма эътиборини қозонди. Қулай, сифатли ва ҳамёнбоп бўлган ушбу дафтарлар ёш авлод тарбиясида муҳим рол ўйнамоқда. Муҳими, ўқувчи дафтарни қўлиға олганида боболаримизга ҳавас қилиб, келажакда улардек атоқли ва ардоқли бўлишга интилиш хиссини туйди.

К.ҲАМРОЕВА

## МУАССИС:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

## Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

## Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'liq Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanariyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

## BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Hukuk va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xotlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

## Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

E-mail: xotlar@ishonch-davriye.uz

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

## HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 314-13-03  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

## Navbatchi muharrir:

U.Ibodinov  
Navbatchi: N.Mahamov  
Musahhirl: S.Shodiyeva  
Sahifalovchi: H.Abduljalilov

## «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalovchi.  
Gazeta afset usulida, A-2 formatida bosildi. Hojni 2 bosma taboq. Buyurtma G — 1115. 13695 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133  
Tahririyat xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATN «Ishonch» Banki Yashnabod filiali, Bank kodlari: 00999, STIR: 201135889, OKONX: 07100